



Киши инфоқ қиладиган энг афзал динор - унинг ўз оиласига инфоқ қилган динори, Аллоҳ йўлида улови учун инфоқ қилган динори ва Аллоҳ йўлидаги ҳамроҳларига инфоқ қилган диноридир», дедилар

Савбон разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: Киши инфоқ қиладиган энг афзал динор - унинг ўз оиласига инфоқ қилган динори, Аллоҳ йўлида улови учун инфоқ қилган динори ва Аллоҳ йўлидаги ҳамроҳларига инфоқ қилган диноридир», дедилар». (Ровий) Абу Қилоба: «У зот оиладан бошладилар», деди-да, сўнг: «Ёш болаларига инфоқ қилиб, уларни ифбатли қилган, у туфайли Аллоҳ уларни манфаатлантирган ва беҳожат қилган кишидан ажри каттароқ одам борми?» деди».

[Саҳиҳ] [Имом Муслим ривояти]

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам инфоқ-эҳсон қилишнинг турли кўринишларини баён қилдилар ҳамда хайр-эҳсон йўллари кўпайиб, бир-бири билан тўқнаш келиб қолганда, уларни вожиблик даражасига кўра энг муҳимидан бошлаб тартибладилар. У зот хабар бердиларки, савоби энг улуғ бўлган маблағ — мусулмон кишининг ўз қарамоғидаги инсонларга, яъни аёли ва фарзандларига сарфлаган нафақасидир. Ундан кейинги ўринда — Аллоҳ йўлидаги жанг (жиход) учун тайёрланган уловга қилинган сарф-харажат туради. Сўнгра — Аллоҳ йўлида мужоҳид бўлиб турган дўстлари ва ҳамроҳларига қилинган инфоқ-эҳсон келади.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/3267>

